ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

38 Эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишда имтиёзлар ва преференцияларни қуллаш мақсадида узи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) аниқлаш қоидаларига узгартириш киритиш туррисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 26 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2195-1

(2012 йил 5 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2007 й., 52 (I)-сон) мувофик, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қумитаси қарор қиладилар:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қумитасининг 2011 йил 25 январдаги 113, 2010-51-сонли қарори (руйхат рақами 2195, 2011 йил 16 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами, 2011 йил, 7-8-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишда имтиёзлар ва преференцияларни қуллаш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) аниқлаш қоидаларининг 5-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «5. Ўзи ишлаб чиқарган товар деганда, агар ушбу банднинг иккинчи тўртинчи хатбошиларида бошкача қоида белгиланмаган бўлса, корхона ўзи

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.



^{*} Илова рус тилидаги матнда берилган.

томонидан ишлаб чиқариш технологик жараёнини ҳисобга олган ҳолда, ўзига тегишли бўлган ёки жалб этилган ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиб ишлаб чиқарилган ёки қайта ишланган маҳсулот (жумладан ярим тайёр маҳсулот) тушунилади.

Маҳсулот, корхонанинг ўзи ишлаб чиқарган товар ҳисобланадиган ва ушбу корхона томонидан қайта ишлаш учун берилган хом ашёдан ишлаб чиқарилган ҳолларда, ўзи ишлаб чиқарган товар деб:

хом ашё мулкдори учун — қайта ишлаш натижасидан кейин олинган маҳсулот, қайта ишлаш хизматлари учун қайта ишланган маҳсулотнинг бир қисми билан ҳақ тулаш ҳолларида эса, маҳсулотнинг қайта ишлаганлик учун ҳақ сифатида қайта ишловчи корхона тасарруфида қоладиган қисми чегириб ташланган ҳолдаги маҳсулот;

қайта ишловчи корхона учун — қайта ишлаш хизматлари учун ҳақ сифатида унинг тасарруфида қоладиган маҳсулот ҳисобланади.

Ўзи ишлаб чиқарган иш (хизмат) деганда корхона томонидан ўз кучи билан бажарилган (кўрсатилган) иш (хизмат) тушунилади».

- 2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишилган.
- 3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат руйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш., 2011 йил 28 декабрь, 86-сон

Давлат солиқ қумитаси раиси

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш., 2011 йил 28 декабрь, 2011-44-сон

Келишилган:

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири

Р. ГУЛЯМОВ

2011 йил 28 декабрь